Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Махсус сон • 2007-yil • 6-noyabr • Seshanba • 136 (27.781) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Ўзбекистон ХДП VI қурултойида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Аслиддин Рустамовнинг номзодини кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Кеча Тошкентда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг VI қурултойи бўлиб ўтди

Сиёсий куч учун жиддий синов палласи

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг VI қурултойи тўғрисида ахборот

Шу йилнинг 5 ноябрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг VI қурултойи бўлиб ўтди. Қурултой ишида ЎзХДП Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларидан сайланган делегатлар, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, партия фаоллари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштироки ҳамда унинг сайловолди кампанияси давридаги ташкилий ва сиёсий вазифалари қурултой делегатларининг диққат марказида бўлди. Мазкур масалалар юзасидан партия Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Латиф Ғуломов маруза қилди.

Партия раҳбари ўз маърузасида бу йилги Президент сайлови кампанияси мустақил Ўзбекистон учун ўта муҳим палла — мамлакатни фаол ислоҳ қилиш ва демократик модернизациялаш даврида ўтаётгани, бўлажак сайлов демократик қадриятларни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этишига алоҳида эътибор қаратди.

Давлат бошқарувини янада демократлаштириш ва мамлакатни модернизациялашда сиёсий партияларнинг ролини кучайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда, деди у. Бу масалада Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан қабул қилинган Конституциявий Қонун асосий ва ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

2004 йилги сайловлардан кейин ўтган давр, Ўзбекистон ХДП учун партиянинг **мафкуравий ва сиёсий устуворлигини қайта кўриб чиқиш даври** бўлди. Бу муҳим иш, айниқса, 2005 йилнинг июлида бўлиб ўтган Ўзбекистон ХДП V қурултойидан бошлаб жадаллашди. Қурултой қарорларига мувофиқ, «Ўзбекистон ХДП — умумхалқ партияси» деган хаёлий даъволарга чек қўйиш ва Ўзбекистон ХДПни **парламент типидаги партияга** узил-кесил айлантириш бўйича жиддий ишлар амалга оширилди. Бу жараёнда мафкуравий, оммавий-сиёсий, парламентчилик ва ижтимоий фаолият соҳаларида фойдали тажриба тўпланди.

Масалага шу нуқтаи назардан қаралса, Марказий Кенгаш VII пленуми қарорига биноан 2007 йилги Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш ЎзХДП учун **сиёсий етукликкка жиддий имтиҳон** бўлади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда мамлакатни демократик модернизациялаш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Бу даврда халқ ҳокимиятчилигининг умуминсоний тажрибасига таянган ва халқимизнинг тарихий, маънавий ҳамда маданий анъаналари ва менталитети ҳисобга олиниб, **демократиянинг миллий модели** Конституцияда акс этгани каби амалда ўз ифодасини топишгача бўлган йўл муваффақиятли босиб ўтилди. Мамлакатда ҳозирги замон вакиллик демократияси тизими қарор топди, икки палатали профессионал парламент фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда жаҳонда умумэътироф этилган **ялпи, тенг, эркин, тўғридан-тўғри ва яширин овоз бериш йўли билан сайлаш ҳуқуқи** ёки фуқаролар иродасини ифода этишнинг бошқа услублари асосида ўтказиладиган адолатли сайлов принципларига жавоб берувчи сайлов тизими шаклланди.

—**Демократиянинг ҳақиқий кўзгуси сайловлардир,** — деди маърузачи. — Айни сайловлар фуқаролар сиёсий онглилиги, уларнинг сайловдаги фаоллиги, амалдаги сайлов тизими берадиган ҳуқуқ ва ваколатлардан фойдаланиш даражаси каби омилларни объектив акс эттиради.

(Давоми 2-бетда)

Ижроқўм йиғилиши

Кеча Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ХДП VI қурултойини ўтказиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Шунингдек, Ижроқўм йиғилишида ЎзХДП Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар кенгашлари томонидан «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентлигига партиядан кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватловчи имзоларни йиғиш натижалари ва партия ҳаётига оид бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Йиғилиш кун тартибидан ўрин олган масалалар юзасидан тегишли вазифалар белгилаб олинди ва қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Асосий мақсадимиз – халқ ишончини қозониш, электорат манфаатини ҳимоя қилиш

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракциясининг раҳбари, Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари Аслиддин Рустамовнинг Ўзбекистон Халқ демократик партияси VI қурултойидаги маърузаси

Ҳурматли делегатлар!

Партиямизнинг бугунги қурултойи кун тартибига киритилган масалалар алоҳида аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича бошланаётган сайлов кампанияси ҳозирги босқич — мамлакатни фаол демократик янгилаш ва модернизациялаш босқичининг асосий воқеаларидан биридир.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда жаҳонда умумэътироф этилган **фуқаролар ҳоҳиш-иродасини ифода этишда эркинлик ва сайлов жараёнлари очиқ-ойдинлигини таъминлайдиган умумий, тенг ва тўғридан-тўғри ҳуқуқ** меъёр ва принципларига жавоб берадиган ҳозирги замон **сайлов тизими** шакланган.

Айнан, ҳозирги сайлов кампанияси жаҳон ҳамжамиятига Ўзбекистон демократик модернизацияси нафақат маромига етказиб ишлаб чиқилган қонунчилик нормаларида акс этганлигини, балки демократик жараёнларнинг амалий ишлашида, аҳолининг ҳуқуқий ва сиёсий маданияти ўсиши, фаол фуқаролик позициясида ҳам намоён бўлаётганлигини кўрсатишга даъват этилган.

Сайлов кампанияси биз учун катта синовдир. Унинг натижаси бўйича жаҳон ҳамжамияти Ўзбекистон ривожланган демократик давлатлар доирасига киришга нақадар тайёр эканлиги ҳақида фикр юритади. Шунинг учун биз оппонентларимизга демократик ислоҳотлар бўйича қанчалик кам эътироз билдириш учун баҳона берсак, шунчалик уларни ўтказишда кўпроқ ютуқларни қўлга киритамиз.

Албатта, аввалгиларгидек, ҳозирги сайлов кампанияси ҳам мамлакатимизга шунчаки шов-шув учун эмас, балки демократик ислоҳотларни ўтказиш, энг аввало сайловларни ташкил этиш ва ўз ички эҳтиёжларимизни қондириш учун керак. Сайлов одамларни олиб борилаётган сиёсат уларнинг манфаатларига қанчалик жавоб бериши, истиқболга қаратилганлигига ишонч ҳосил қилдириши лозим.

Шу нуқтаи назардан ҳозирги сайлов кампаниясининг энг асосий вазифаларидан бири — бу унинг **мамлакат сайлов тизимидаги демократик принципларнинг тўлиқ ҳажмда амалга оширилишидир**.

Бу қандай принциплар?

Биринчидан, сайловлар ҳақиқатдан ҳам **демократик,** демак **муқобил** бўлиши лозим.

Бугунги кунда демократик ислоҳотларни фақат оғзаки қўллаб-қувватлашнинг ўзи кифоя эмас. Демократик институтлар амалда ишлаши керак. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ҳозирги сайловда иштироки ҳам шунга хизмат қилиши лозим.

Иккинчидан, сайлов кампаниясининг қонунда кўзда тутилган **кўппартиявийлик ва фикрлар хилма-хиллиги тамойили** амалда таъминланиши лозим. Ўзбекистонда изчиллик билан кўппартиявийликка асосланган вакиллик демократияси шакллантирилмоқда. Демак, барча партиялар, шу жумладан, Ўзбекистон ХДП ҳам демократик жараёнлар, шу ҳисобдан 2007 йил 23 декабрга белгиланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг фаол иштирокчиси бўлиши лозим.

Шуни қониқиш билан таъкидлаш лозимки, партия Марказий Кенгаши VII пленумида ишлаб чиқилган ушбу позиция Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия ташкилотларида бугунги қурултойга делегатлар сайлаш жараёнида кенг миқёсда қўллаб-қувватланди.

Маълумки, Олий Мажлис қуйи палатасида палатанинг кўпчилик депутатларини бирлаштирган Демократик блок тузилгандан кейин, **Ўзбекистон ХДП фракцияси ўзини муҳолиф парламент озчилиги деб эълон қилди** ва бундан кейинги ўз фаолиятини шу сифатда, партия электорати манфаатларидан келиб чиққан ҳолда олиб бормоқда.

Чунончи, Ўзбекистон ХДП фракцияси парламентда ҳукумат аъзоси ва қатор давлат муассасалари ва коммунал хизматлари раҳбарларининг уйжой-коммунал хўжалигининг 2005-2006 йил кузги-қишки фойдаланиш даврига тайёргарлик бўйича ҳисоботларини тинглаш, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Тожикистон алюминий заводи зарарли таъсиридаги ҳудуддаги экологик вазиятни ўрганиш бўйича Комиссияни ташкил этиш ва бошқа ташаббуслар билан чиқди.

Қуйи палата мажлисларида бир неча бор фракция аъзолари палатада кўриб чиқиш учун киритилган, бизнинг нуқтаи назаримиздан партия электорати манфаатларига тўлиқ жавоб бермайдиган айрим қонун лойиҳаларини рад этишга эришдилар.

Хусусан, бундай ҳол «Ипотека тўғрисида»ги (2006 й.) Қонун лойиҳаси, «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун лойиҳаси (2007 йил октябрь)ни кўриб чиқишда рўй берди.

Мен имкониятдан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг сайловолди дастурининг асосий йўналишлари тўғрисида тўхталмоқчиман. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Дастурида белгиланган мақсадлар, партия электорати манфаатлари сайловолди дастурининг асосини ташкил қилади.

Таклиф этилаётган қоидаларнинг мазмуни ва хусусиятлари тўғрисида гапирганда, авваламбор шу нарсани алоҳида таъкидлашимиз керакки, у Ўзбекистон Республикаси **Конституциясига қатъий риоя қилиш**, Ўзбекистоннинг мустақиллигини сақлаш ва мустаҳкамлаш, **Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги** мамлакатда фуқароларо ва миллатлараро тотувлик, ижтимоий барқарорлик вазиятини қарор топтириш, **ҳар бир оила ва халқ фаровонлигига эришишни таъминлаш, умуммиллий манфаатларга садоқат каби қоидаларга асосланади.**

Тегишли қоидаларнинг асосий устуворликлари **мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ижтимоий самарадорлигини изчил оширишни** таъминлашга қаратилгани билан изоҳланади.

Хусусан, **иқтисодий ривожланиш ва янги иш ўринларини яратиш соҳасида** эътиборни қуйидаги масалаларга қаратиш таклиф этилади:

- самарали рағбатлантирувчи иқтисодий омиллар, имтиёзлар ва преференциялар тизимини яратиш, шу жумладан ишчи кучи ортиқча бўлган минтақаларда иқтисодиётнинг юқори технологик ишлаб чиқариш соҳалари ва хизмат кўрсатиш жабҳаларида янги иш ўринларини яратишга қаратилган тўғридан-тўғри сармояларни кенг жалб этиш;
- қишлоқда замонавий транспорт, муҳандислик ва коммуникация ҳамда ижтимоий инфратузилма тизимини ривожлантириш. Бундан кўзланган мақсад: қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан озиқ-овқат ва истеъмол товарлари ишлаб чиқарадиган корхоналарда янги иш ўринларини яратиш бўйича лойиҳаларга хориж ва мамлакатимиз сармояларини фаолроқ жалб қилишдир;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича кичик корхоналар тизимини вужудга келтириш ва якка тартибдаги меҳнат фаолиятини ривожлантириш борасидаги фаол саъй-ҳаракатларни рағбатлантириш;
- бўш меҳнат ресурсларини иқтисодиётга жалб этиш учун касаначилик, қорамол боқиш, ҳунармандчилик ва меҳнатнинг катта сармояларни талаб қилмайдиган бошқа, шу жумладан якка тартибдаги шаклларидан фойданишни рағбатлантириш таклиф этилади.

(Давоми 2-бетда)



Сиёсий куч учун жиддий синов палласи

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шуни яхши уқиб олиш керакки, дейилди қурултойда, мамлакатда демократик сайловлар хорижий кузатувчилар учун эмас, балки ҳар бир киши учун, биринчи навбатда унинг онги ва ҳаётида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш учун зарурдир. Одамлар шуни тушунишлари лозимки, фаол сайлов ҳуқуқи, сайлаш ҳуқуқи — бу нафақат конституциявий ҳуқуқ, балки юксак **фуқаролик масъулияти ҳамдир**. Демократик сайловларда иштирок этиш орқали, биринчи навбатда кишилар онгида **Ўзбекистонда амалга оширилаётган ўзгаришларга,** мамлакат ва унинг ташқарисида рўй бераётган воқеаларга нисбатан **дахлдорлик ҳисси** шаклланади.

Сайловларнинг демократиклиги фақатгина улардаги **фикрлар хилма-хиллиги, кўппартиявийлиги,** сайлов кампаниясида бир нечта номзодлар иштироки билангина таъминланмайди.

Номзодлар рўйхатдан ўтгандан кейин бошланадиган сайловолди тадбирлар мазмуни ҳам муҳимдир. Айни шу босқичда, сайловда иштирок этаётган партияларнинг **сиёсий беллашувида** ЎзХДП ҳам бошқа иштирокчилар каби фидойилик кўрсатиши, **демократия мактаби** такомил топишига муносиб улуш қўшиши лозим, албатта, бу нафақат партия марказий ва минтақавий органлари учун, балки Ўзбекистон ХДП маҳаллий ва бошланғич ташкилотлари ҳамда кенгашлари, депутатлик бирлашмалари, Ўзбекистон ХДПнинг барча аъзолари зиммасига жиддий масъулият юклайди.

Сайлов кампанияси навбатдаги босқичининг асосий талабларидан бири шуки, дейишди қурултой делегатлари, партиядан Президентликка кўрсатиладиган **номзоднинг сайловолди тадбирларини оқилона ташкил этиш лозим.**

Сайлов кампаниясининг фаол босқичи жараёнида изчиллик билан партия ижобий имижини, унинг жамоатчилик орасида обрўйини оширишга ҳаракат қилиш керак.

Барча партия тузилмалари зиммасига, биринчи навбатда, **партиядан Президентликка номзодга қонуний ҳуқуқларни амалга ошириш ва сайловолди тадбирларини юксак даражада ўтказишига кўмак бериш** вазифаси юкланмоқда.

Сайлов кампанияси даврида **ташвиқий-тарғибий ва тушунтириш ишларини ташкил этиш** ҳам ғоятда муҳим. Унда қуйидаги устувор йўналишлар мавжуд.

Биринчидан, кўзда тутилган муҳим масалалар **сайловолди ташвиқоти** доирасида ҳал бўлади. Сайлов тўғрисидаги Қонуннинг 28-моддаси бу ишни олиб бориш учун турли воситалар — Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг сайловчилар билан учрашувлари, номзодларнинг оммавий ахборот воситаларида чиқишлари ва ҳоказолардан фойдаланиш имкониятини беради.

Иккинчидан, сайлов кампанияси даврида партия туман ва шаҳар кенгашлари, бошланғич ташкилотлари аҳоли билан иш олиб борар эканлар, электорат вакилларида **фаол фуқаролик позициясини**, ўз сайлов ҳуқуқидан онгли ва масъулиятли фойдаланишга интилишни **шакллантиришга ҳаракат қилишлари** лозим.

Учинчидан, тарғиботчи ва ташвиқотчиларимиз сайлов кампанияси хусусиятлари, ҳуқуқий жиҳатлари, унинг мамлакатда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларнинг муваффақияти учун аҳамиятини аниқ ва далиллар билан тушунтиришга тайёр бўлишлари лозим.

Партия сайлов кампанияси даврида **Ўзбекистон ХДП сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимида ўтказиладиган машғулотлар** ҳам унга мувофиқ бўлиши даркор.

Уларнинг шу даврдаги мавзулари асосан сайловлар билан боғлиқ: ноябрь-декабрь ойларида барча даражадаги семинарларда мамлакатни демократик модернизациялаш ҳозирги босқичининг ўзига хос хусусиятлари, бу жараёнларда сиёсий партияларнинг роли ва иштироки, аҳолининг фуқаролик фаоллиги ва сиёсий онгини ўстиришнинг аҳамияти каби масалалар чуқур таҳлил этилади. Шу мақсадда турли ижтимоий-сиёсий тадбирлар — аҳоли турли тоифалари билан партия фаолларининг давра суҳбатлари, учрашув ва мулоқотлар ўтказилади. Ушбу тадбирларнинг юксак савияда ўтишини таъминлаш лозим. Токи улар ҳозирги даврнинг бош вазифаси — **партия ва унинг электорати сайлов кампаниясида фаол иштирок** этишини таъминлашга хизмат қилиши керак.

Қисқача айтганда, Ўзбекистон ХДПнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампаниясида иштирок этиши партия фаолиятида муҳим ва масъулиятли босқичдир.

Марказий Кенгаш раиси Ўзбекистон Республикаси Президентлигига партиядан номзод кўрсатиш ҳақидаги масалага тўхталар экан, партия Марказий Кенгашининг октябрь ойида бўлиб ўтган VII пленуми қарорига мувофиқ Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси раиси, қуйи палата Спикерининг ўринбосари Аслиддин Ашурбоевич Рустамовнинг номзодини кўрсатишни таклиф қилди. Бу Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия кенгашларининг пленумларида депутатлар, партия аъзолари, электорат вакиллари томонидан қўллаб-қувватланди.

Шундан сўнг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси раҳбари Аслиддин Рустамов Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампаниясидаги дастури асосий йўналишлари билан делегатларни таништирди (маъруза матни ушбу сонда берилмоқда).

Музокараларда сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Боймурод Юсупов, Илҳом Аҳмедов, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари бош муҳаррири Сафар Остонов, ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши раиси Муҳаммадали Исоқов, халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбари, «Жиззах овози» газетаси бош муҳаррири Акром Иномов, Ўзбекистон ХДП Асака шаҳар ва Денов туман кенгашлари раислари Муйдинжон Дадажонов, Абдуолим Бўриев, «Бухоротекс» ҳиссадорлик жамияти бошланғич партия ташкилоти етакчиси Муҳиддин Бозоров, Қибрай туманидаги «Ўнқўрғон» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, партия фаоли Меҳрибон Тожиевалар партиянинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ўзининг муқобил номзоди билан иштирок этишини қўллаб-қувватладилар.

Сўзга чиққанлар сайловолди ташвиқотининг қонунчилик доирасида ташкил этилишига эътибор қаратдилар. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг қонунга асосан сайловчилар билан учрашувлари, номзоднинг оммавий ахборот воситаларида чиқишлари ва ҳоказолардан фойдаланиши биринчи навбатда, партия дастурий мақсадларини электорат орасида тарғиб қилишда катта имконият эканлигини қайд этдилар.

Қурултой Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раиси, қуйи палата Спикерининг ўринбосари Рустамов Аслиддин Ашурбоевичнинг номзодини кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Қурултойда қабул қилинган резолюцияда партия барча бўғинларининг сайлов кампанияси давридаги вазифалари белгиланди. ЎзХДП минтақавий ва маҳаллий ташкилотлари ҳамда кенгашларига, партия депутатлик гуруҳларига сайлов кампанияси даврида номзодга қонун томонидан берилган ҳуқуқларни амалга ошириш ва сайловолди тадбирларини юксак даражада ўтказишига кўмак бериш топширилди.

Делегатлар Марказий Кенгаш раиси Л.Ғуломовнинг маърузасида баён этилган Ўзбекистон ХДП V Қурултойидан кейин ўтган давр мобайнида партия томонидан амалга оширилган ишлар якунлари тўғрисидаги ахборотни маълумот учун қабул қилдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Асосий мақсадимиз – халқ ишончини қозониш, электорат манфаатини ҳимоя қилиш

(Давоми. Боши 1-бетда)

Дастурда бевосита **ижтимоий ривожланиш ва аҳолини мақсадли ижтимоий қўллаб-қувватлаш соҳасида** ҳал этиладиган устувор ижтимоий масалаларга кенг ўрин ажратилмоқда.

Биринчидан, бу:

● халқ таълими ва соғлиқни сақлаш тизимлари муассасаларини бюджет ва бюджетдан ташқари манбалардан молиялаштиришнинг амалдаги тизимининг самарадорлигини ошириш, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашнинг рағбатлантирувчи ролини янада ошириш;

● солиқ юкини янада камайтириш, ижтимоий соҳани молиялаштиришда ҳисса қўшаётган барча мулк шаклларидаги корхоналар учун солиқ имтиёзлари таъсирчанлигини ошириш.

Иккинчидан, таълим ва мутахассисларни тайёрлаш соҳасида ҳал этиладиган қатор масалаларни ажратиш мақсадга мувофиқ:

● иқтисодиёт ва ноишлабчиқариш жабҳаларининг мутахассисларга бўлган эҳтиёжини тахмин қилиш тизимини такомиллаштириш, шу асосда ўқувчиларни касбга йўналтириш бўйича ишларнинг самарадорлигини ошириш, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида мутахассисларни тайёрлашнинг узоқ муддатли ва ўрта муддатли режалаштиришни яхшилаш;

● корхоналар буюртмаси билан ўқиш учун тегишли ҳақни тўлаш орқали мутахассисларни тайёрлаш амалиётини кенгайтириш ва ёшларга олий ўқув юртларида тўлов-шартнома асосида таълим олиш учун фоизсиз кредит беришнинг ижтимоий қулай механизмларини яратишни кўзда тутувчи ўқитишни ташкил этишга ёндашувларни қайта кўриб чиқиш.

Ёшлар ва хотин-қизлар партия электоратининг муҳим гуруҳларига киради. Шу муносабат билан қуйидаги қоидаларни кўзда тутиш тўғри бўлар эди:

● иқтидорли болалар ва ёшларни давлат ва жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада ривожлантириш, уларнинг юксак таълим ва профессионал даражага эришишга интилишларини рағбатлантириш;

● Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазалаш органлари фаолияти самарадорлигини сезиларли даражада ошириш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш зарур деб ҳисоблаймиз;

● иш билан банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли кишиларни аниқлаш ва ҳисобга олиш, ишга муҳтож аҳоли тўғрисида маълумотлар банкини яратиш;

● меҳнат ресурслари миқдори ва ички миграция (шу жумладан, мавсумий миграция) ўзгариши суръатларини тахмин қилиш асосида маҳаллий ва минтақавий «Бандлик» дастурларини ишлаб чиқиш ва уларга тузатишлар киритиб бориш;

● малакали ишчи кучига бўлган талабларни ҳисобга олган ҳолда, ишга муҳтож кишиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

● иш билан банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли кишиларни бир марталик ва вақтинчалик иш билан таъминлаш.

Дастурий қоидаларнинг ушбу бўлимида аҳолининг муҳтож қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш масаларини, шу жумладан, қуйидагиларни ҳисобга олиш керак:

● Меҳнат лаёқати чекланган ногиронлар, кўп болали аёллар, ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа кишиларнинг иш билан бандлигини таъминлаш бўйича амалдаги кафолатлар самарадорлигини ошириш ва қўшимча кафолатлар яратиш;

● пенсионерлар, ногиронлар, қаровсиз қолган кексалар ва болаларни ҳамда ишга лаёқатсиз ёки меҳнат лаёқати чекланган аҳоли бошқа қатламларини ўзгарувчан пенсия таъминоти ва ижтимоий ҳимоялашни янада ривожлантириш бўйича тегишли чораларни изчил амалга ошириш;

● пенсия таъминотининг жамғариб бориладиган тизимини янада такомиллаштириш ва самарасини ошириш;

● ипотека асосида уй-жой қурилиши амалиётини кенгайтириш, шунингдек, давлат бюджети ва бюджетдан ташқари ижтимоий фондлар ҳисобига ижтимоий уй-жой қурилишини ривожлантириш. Бу уй-жойлар кейинчалик яшаш жойига муҳтож ёш оилалар ва аҳолининг камхарж қатламларига берилиши лозим;

● уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида рақобат муҳитини яратиш ва шу асосда кундалик зарур коммунал хизматларнинг юқори сифати ва тарифлари ижтимоий мақбуллигини сақлаб қолиш мақсадида, монополияга қарши чораларни жадал кўриб бориш.

Жамиятда ижтимоий бирдамлик муносабатларини ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашиш зарурлигини қайд этиш лозим деб ҳисоблаймиз. Токи, улар мулкнинг барча шакларидаги корхоналар, жамиятнинг иқтисодий фаол ва ўзига тўқ аъзоларини, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ижтимоий институтларни муҳим ижтимоий дастурларни амалга ошириш ва аҳолининг ижтимоий ҳимояланганлик даражасини оширишга хизмат қилсин.

Экологик мувозанатни таъминлаш соҳаси масалалари ҳам жуда муҳимдир. Шу мақсадда қуйидагиларни рағбатлантирувчи ва таъминлайдиган иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш бўйича самарали чораларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга эътибор қаратиш таклиф этилади:

● табиий бойликлар: ер, сув, минерал ресурслардан оқилона фойдаланиш;

● зарарли ишлаб чиқариш корхоналарини соғломлаштириш, атроф-муҳит аҳволи устидан доимий ва ошкора назорат қилиш;

● саноат, қурилиш, транспорт, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларида экологик тоза технологияларни жорий этиш;

● ўрмон ва қўриқхоналарни муҳофаза қилиш, кўкламзорлаштирилган майдонлар ҳамда шаҳарлардаги дам олиш ва истироҳат масканларини кенгайтириш.

Демократик давлат ва фуқаролик жамиятини бунёд этиш соҳасида қуйидагиларни кўзда тутувчи устуворликларни ажратиш таклиф этилади:

● жаҳон ҳамжамиятида умумэътироф этилган демократия принцип ва нормаларига мувофиқ, Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ва давлат бошқаруви демократик механизмларини янада ривожлантириш;

● вакиллик парламент демократияси ва кўппартиявийликни ривожлантириш бўйича чораларни изчил амалга ошириш;

● жамият ҳаёти барча жабҳаларида қонунчиликка сўзсиз риоя қилиниши, мансабдор шахслар, барча даражадаги давлат аппарати ва бошқарув органлари ходимларининг ўз лавозим вазифалари ва конституциявий бурчларини виждонан ва рисоладагидек бажаришлари учун масъулиятини оширишга эришиш;

● марказий бошқарув органларининг бир қатор ваколат ва вазифаларини давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик ва ижроия органларига босқичма-босқич ўтказиш, уларнинг ваколатига кирадиган, ҳудудларни самарали ижтимоий ривожлантириш ва аҳолини мақсадли қўллаб-қувватлаш масалаларини ҳал этишдаги ролини кучайтириш чораларни кўриш;

● конституциявий тузум, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи давлат ва ижтимоий институтларни ҳар томонлама мустаҳкамлаш;

● суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, судьялар мустақиллигини таъминлаш, судларнинг моддий-техника таъминотини яхшилаш, уларни муносиб, малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш бўйича қўшимча чоралар кўриш;

● жиноий қонунчиликни эркинлаштириш бўйича ишларни изчил олиб бориш, маъмурий жавобгарликнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш;

● фуқаролар фаоллиги, аҳолининг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини оширишни ривожлантириш масалаларида нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқаролик жамиятининг ижтимоий бирлашма ва бошқа институтларининг иштироки ва ролини ошириш механизмларини такомиллаштириш;

● фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, уларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш;

● кишиларда фаол фуқаролик позицияси, ўз конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини тушуниш, уларда онгли ҳамда масъулият билан фойдаланиш кўникмаларини шакллантиришга қаратилган фуқаролик таълим-тарбиянинг давлат ҳамда ижтимоий тизимини янада ривожлантириш масалалари киради.

Жамиятни маънавий янгилаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилиши зарур деб ҳисоблайман.

Бу соҳадаги таклифларимиз қуйидагилар:

● дунёвий давлат принципларига қатъий риоя қилиш, халқнинг тарихий-маънавий меросининг таркибий қисми ва маънавий қадриятлар ҳамда дунёқараш тизими ҳисобланган дин билан ғаразли сиёсий мақсадли диний оқимлар ўртасидаги аниқ чегарани белгилаб олиш;

● мамлакатимиз барча фуқароларини бундан буён ҳам бирлаштириш, жамиятда барқарорлик вазияти, тинчлик, фуқаролараро, миллатлараро ва динлараро тотувликни мустаҳкамлаш ва янада ривожлантириш;

● давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари, маънавий-маърифий ташкилотларнинг саъй-ҳаракатларини фуқароларни Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги, Конституциясига садоқат, она заминга меҳр-муҳаббат, Ватанимиз тарихи ва маданиятига чуқур эҳтиромни ўзида мужассам этган ижтимоий онг ва фаолиятнинг асосий устуворлиги бўлган ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масалаларини ҳал этишда бирлаштириш;

● Ўзбекистонда истиқомат қилувчи барча миллат вакиллари тили, маданияти, урф-одатлари, анъаналари эркин ривожланишини таъминлайдиган иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни янада такомиллаштириш;

● мамлакат халқларининг минг йиллик анъаналари, адолат ва инсонпарварлик каби умуминсоний қадриятларини ўзида мужассам этган ахлоқ-одоб нормаларига риоя қилиш.

Ташқи сиёсат соҳасидаги қатор масалаларни ҳам ҳисобга олиш зарур. Чунончи:

● мамлакат миллий манфаатлари, халқаро муносабатлар субъектлари тенгҳуқуқлилиги, дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзаро манфаатли алоқалар, Ўзбекистоннинг жаҳондаги бошқа мамлакатлар билан иккитомонлама ва кўптомонлама ҳамкорлигини ривожлантириш принципларига қатъий риоя қилиш;

● Марказий Осиёда тинчликни мустаҳкамлаш, минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик, ҳамкорлик жараёнларига изчил кўмаклашиш;

● жаҳон ҳамжамиятнинг бошқа аъзолари билан халқаро тероризм, экстремизм ва наркотажовуз таҳдидларига қарши курашда ҳаракатларни бирлаштириш.

Сайловолди дастурий қоидаларида **миллий хавфсизликни таъминлаш** соҳасидаги вазифалар ҳам ўз ўрнини топиши лозим. Булар:

● ҳарбий қурилишни янада такомиллаштириш, Қуролли Кучларимизнинг техник жиҳозланиши, профессионаллик ва жанговар тайёргарлик даражасини ҳамда ҳарбий хизматнинг обрўсини ошириш;

● мамлакатимиз давлат чегараларини мустаҳкамлаш ва қўриқлаш бўйича таъсирчан чораларни изчиллик билан амалга ошириш;

● шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамоат тартиби ҳамда фуқаролар хавфсизлигининг ишончли кафолати бўлишга даъват этилган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тизимини янада такомиллаштириш.

Ҳурматли делегатлар!

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, сизнинг эътиборингизга ҳавола этилган Ўзбекистон ХДПнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш бўйича асосий дастурий қоидалари партия электорати орасида бизнинг дастурий позициямизни тушунтириш учун яхши материал бўлиб хизмат қилади. Мазкур қоидалар атрофида олиб бориладиган барча ишлар партиянинг ўз электорати билан алоқаларини янада мустаҳкамланишини таъминлаши, унинг имижи ўсишига хизмат қилиши лозим.

Ушбу дастурий қоидаларни қўллаб-қувватлашни таклиф этарканман, қурултой иштирокчилари уларни ҳар томонлама муҳокама этиб, зарур қўшимча ва аниқликлар киритадилар деб ишонаман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар

☑ Сўз — делегатларга

Демократия ва муқобиллик

юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлигига хизмат қилади

Боймурод ЮСУПОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:

— Инсоннинг онги-тафаккури бир кунда ўзгариб қолмайди. Унинг дунёқараши ўзгариши, кенгайиши учун ҳам вақт ва тажриба керак. Энг аввало, шуни такрорлашни истайманки, мамлакатимизда сайловни муқобиллик асосида ўтказишга ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Бу кўппартиявийликка асосланган сиёсий тизим шаклланган ва ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилиши самараси деб биламан. Сиёсий партиялар фаолиятини тартибга солувчи, сайловларга оид қонунларнинг такомиллашиб бораётгани сиёсий партияларнинг сайловларда иштирок этиш имкониятлари ва ҳуқуқлари кенгайиб боришини таъминламоқда. Шу жараёнда Халқ демократик партияси ўз электорати ва ўз сайловчиларига эга бўлди. Партиямизнинг сайловларда иштирок этиш орқали ўзаро сиёсий рақобатга киришиш тажрибаси бойиб бормоқда. Бу галги сайлов ҳам партиямизни яна бир бор имтиҳон қилади.

Шу ўринда партиямизнинг Президент сайловида иштироки жараёнида айрим масалаларга эътибор беришни истардим. Халқ демократик партияси электорати, аъзолари ва халқимизда амалга оширилаётган ижобий ўзгаришларга дахлдорлик ҳиссини шакллантириш, сайлов кампанияси даврида депутатлик бирлашмалари фаоллигини кучайтириш, партия сафларини ташкилий-сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлаш учун етук кадрлар имкониятларидан самарали фойдаланиш, жамоатчилик орасида партиямиздан кўрсатилаётган номзодни қўллаб-қувватлаш учун изчил ҳаракат қилиш талаб этилади. Халқимизнинг дунёқараши, фикрлаши, бугунги кунда жамиятда рўй бераётган ўзгаришларга муносабати бундан 16 йил аввалгисидан мутлақо фарқ қилади. Фракциямиз раҳбари маърузасида халқимиз руҳиятидаги бу ўзгаришлар инобатга олингани айни муддаодир.

Сафар ОСТОНОВ, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари бош муҳаррири:

— Бешта сиёсий партия ва сайловчилар ташаббускор гуруҳидан Президентликка номзод кўрсатилаётганининг ўзиёқ мамлакатимизда демократик ислоҳотлар тобора чуқурлашиб бораётгани, сиёсий партиялар давлат ва жамият бошқарувига таъсир кўрсатувчи сиёсий кучга айланганидан далолат беради.

Дарҳақиқат, сиёсий партиялар фаол ҳаракатланиши учун етарли ҳуқуқий асослар яратилди. Айниқса, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонун партияларга янги имконият ва ваколат беради.

Президент сайловида ўзимизнинг муқобил номзодимиз билан қатнашишга қарор қилганимиз зиммамизга юксак вазифа юклайди. Биз сайловда шунчаки иштирок этмоқчи эмасмиз, балки сайловчилар овози учун кураш олиб боришга аҳд қилганмиз. Сайлов натижалари сиёсий партияларнинг кучини, халқ орасидаги обрў-эътиборини намоён этади. Бунинг учун оммавий-сиёсий тадбирларни, тарғибот-ташвиқот ишларини тубдан кучайтириш талаб этилади. Энг муҳими ҳар бир сайловчи кимга, нима учун овоз бераётганини чуқур англаб етсин. Табиийки, бу борада партия матбуоти зиммасига катта вазифа ва масъулият юкланади. Партиямиз тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришда ҳеч бир бошқа партияда бўлмаган имкониятга эга. Ўзбек ва рус тилларида чиқаётган марказий нашрларимиздан ташқари, қатор вилоят партия кенгашлари ўз нашрларига эга. Ҳамма гап бу имкониятлардан нечоғли самарали фойдаланишимизга боғлиқ.



Муҳиддин БОЗОРОВ, «Бухоротекс» ҳиссадорлик жамияти бошланғич партия ташкилоти раиси:

— Мамлакатимизда бошланган Президент сайловининг сиёсий, мафкуравий ва халқаро аҳамияти бениҳоя чуқур, бениҳоя улкан. Чунки биз бу сайловда давлатимиз раҳбарини сайлаймиз, мамлакатимиз келажаги учун овоз берамиз. Мен бугун шуни ишонч билан айта оламанки, бу масъулиятли сиёсий кампанияга партиямиз ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрмоқда. Кўрсатаётган номзодимиз шаксшубҳасиз партиямиз тимсоли, юзидир. Шунинг учун унинг сайловолди ташвиқотини ташкил этишга ўта масъулият билан ёндашмоғимиз шарт. Мана ҳозир барчамиз партиямиздан бўлажак номзоднинг маърузасини тингладик. Унда кўтарилган барча масалалар долзарбдир. Масалан иш билан банд бўлмаган меҳнатга қобилиятли кишиларни аниқлаш ва ҳисобга олиш, уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган таклифлар бугунги ҳаётимиздаги реал воқеликдан келиб чиққан. Унинг ҳаётда ўз аксини топиши кўплаб юртдошларимизнинг тақдири билан бевосита боғлиқ.

Партиямиз ўзини мамлакатдаги сиёсий кучларнинг сўл қаноти, аҳолининг кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, заиф қатламларини ўз электорати, ижтимоий базаси деб эълон қилгани бугун ҳеч кимга сир эмас. Сўл сиёсий мафкурага асосланган Дастуримиз кўпчиликнинг эътиборига тушган, қўллаб-қувватланган. Партиямиз кўрсатаётган номзоднинг сайловолди дастурий қоидалари ҳам ана шунга асосланганлиги ва уни янада бойитиб, тўлдириб, баъзи масалалар такомиллаштирилгани эътиборга лойиқдир. Илгари сурилаётган ушбу масалаларнинг нақадар ҳаётийлигини сайловчиларга кенг тушунтириб, исботлаб бериш партиямизнинг электорат билан бевосита ишлайдиган бошланғич ташкилотлари, етакчиларидан алоҳида масъулият талаб этади. Бундан ташқари бошланган сайлов кампаниясида ҳар бир фуқаронинг қонуний ҳуқуқ ва бурчини омма ўртасида кенгроқ тушунтиришимиз лозим бўлади. Зеро, сайлов, бу — биз учун синов. Мен барча сафдошларимни ушбу синовдан муваффақиятли ўтиш учун астойдил фаолликка чорлайман...

Муҳаммадали ИСОҚОВ, Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгаши раиси:

— Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй бераётган бугунги туб ўзгаришлар, жамиятни демократлаштириш, эркинлаштириш борасида олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар сиёсий партияларга ҳам ўзининг ижобий таъсирини ўтказмоқда. Табиийки, бундай жиддий ва ҳаётий ўзгаришлар бу жараёнларнинг фаол иштирокчиси бўлган бизнинг партиямиз олдига ҳам янги-янги, масъулиятли вазифаларни қўймоқда.

Ҳозиргина қуйи палатадаги фракциямиз раисининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловидаги дастурий қоидалари билан танишдик. Миллий ғоя ва жаҳоннинг илғор демократик тараққиёт тажрибасига таянувчи янги мафкурамизнинг мазмун-моҳияти — ижтимоий адолат, ижтимоий бирдамлик ва ижтимоий демократия принциплари унда тўла акс этган.

Партиямиз мамлакатимиз сиёсий кучларининг сўл қаноти сифатида аҳолининг кам таъминланган, мададталаб қатламларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилишни ўзининг бош вазифаси деб эълон қилди. Бундай хайрли ишлар ҳар доим халқимиз томонидан қўллаб-қувватланган. Шу боис ҳам партиямизнинг аҳоли орасидаги ўрни ва нуфузи ортиб боряпти. Оддий мисол: вилоятимиздаги вилоят, туман ва шаҳар партия кенгашларининг 760 нафар аъзоси, 926 та бошланғич партия ташкилоти етакчилари, давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига ХДПдан сайланган 300 нафарга яқин депутатдан иборат фаоллар партиямиз ғояларини халқимиз орасида тарғиб этиш, қоларверса, ислоҳотларни амалга оширишда кўмакдош бўлаяпти.

Партиямиз аъзолари, хайрихоҳлари томонидан қўллаб-қувватланаётган ғояларимиз атрофида жипслашиб ҳаракат қилсак, куч ва имкониятларимиздан янада самарали фойдалансак, сайловда муваффақиятли иштирок этамиз.



Акрам ИНОМОВ, халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашидаги ХДП депутатлик гуруҳи раҳбари:

— Бугун биз партиямизнинг Президент сайловида иштирок этиши ва мазкур масъулиятли жараённи қандай ташкил этишимиз хусусида фикрлашиб олаяпмиз. Чунки қарашлари турлича бўлса-да, мақсадлари бир — яъни, юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлигини олий мақсад деб билган республикамиздаги сиёсий партиялар билан бирга Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ҳам сайловда иштирок этиши ҳар биримиз зиммамизга катта масъулият юклайди.

Биз ёруғ ва бетакрор осмонимиз узра тинчлик, барқарорлик ҳукм сураётганидан фахрланамиз, албатта. Ўтган 16 йил ичида давлатимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш йўлида амалга оширилган буюк ишларни, ўзгаришларни, «Ўзбек модели» деб аталган машҳур беш тамойилга асосланган ислоҳотларимиз одимларини бутун жаҳон кўриб турибди. Энг муҳими, Ўзбекистон аҳолисининг онги-тафаккури ва дунёқарашида ўзгариш ясалди. Шу нуқтаи назардан ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бутун мамлакатимиз, халқимиз ва партиямиз ҳаётида муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, бугун биз мамлакат раҳбарлигига партиямизнинг номзодини кўрсатар эканмиз сайлов кампаниясини қандай олиб бориш ва асосий эътиборни нималарга қаратиш ҳақида яна бир бор чуқур ўйлаб кўришимиз керак. Айни чоғда шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, партиямиз вакили — Аслиддин Рустамовнинг чиқишидаги дастурий қоидалар мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсати ҳамда Ватанимиз тараққиётига ўз электорати манфаатлари нуқтаи назаридан ёндашилган. Айни шу жиҳатларни кенг оммага муфассал тушунтиришимиз керак бўлади...



Мўйдинжон ДАДАЖОНОВ, Ўзбекистон ХДП Асака шаҳар кенгаши раиси:

— Сайлов биз учун шунинг учун ҳам синовки, партиямиз бошқа сиёсий партиялар билан рақобат майдонида мамлакатимиз истиқболи, тараққиёт йўллари хусусида баҳслашади, ўз таклифларини ўртага ташлайди, ҳар жиҳатдан устунлигини исботлашга уринади. Президентликка номзодимиз ўз дастурида Ўзбекистоннинг истиқлол йилларида демократик ривожланиш йўлида эришган ютуқлари, ислоҳотларнинг, янгиланишларнинг босқичма-босқичлик тамойили, одамлар дунёқарашида юз бераётган ижобий ўзгаришлар, сиёсий партияларнинг жамият ва давлат бошқарувидаги роли кучайиб бораётганига, алоҳида эътибор қаратиши керак, деб ўйлайман.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига партиямиздан кўрсатилаётган номзодни якдил қўллаб-қувватлаш билан биз, Ўзбекистон — демократик тараққиёт ва сайловларни ташкил қилиш ҳамда ўтказиш бўйича энг ривожланган давлатлардан ортда эмаслиги, аксинча, бошқалар ўрганишга арзийдиган ҳуқуқий база ва ҳаётий тажрибага эга эканлигини, пировардида, бу борада ҳам биз ҳеч кимдан кам эмаслигимиз ва ҳеч кимдан кам бўлмаслигимизни намоён қила олмоғимиз керак. Мен бугун ҳар бир сафдошимни партиямиз учун ниҳоятда муҳим сиёсий синов — сайловда фаол иштирок этишга чақираман. Шунингдек, партиямиздан бўлажак номзоднинг сайловолди дастурий мақсадларини кенг тарғиб этиш юзасидан белгиланган тадбирларни изчил давом эттириб, асосий эътиборни унинг афзалликларини кўрсатишга қаратишимиз жоиз бўлади. Чунки, ҳозиргина фракциямиз раҳбари ўртага ташлаган масалалар шунчаки айтилган гаплар эмас. Балки жамиятимиз тараққиётининг бугунги босқичи учун муҳим йўналишлар деб ҳисоблайман.

Илҳом АҲМЕДОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:

— Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар жаҳон ҳамжамияти томонидан юқори баҳоланмоқда. Шунингдек, Ўзбекистонда очиқ ошкора, демократик, адолатли сайлов тизими шаклланганги эътироф этилаяпти. 23 декабрь куни бўладиган сайлов демократик қадриятларни чуқурлаштиришда яна бир муҳим қадам бўлади. Бу жараёнда ЎзХДП муқобил номзод билан иштирок этар экан, бу партия кенгашлари, ташкилотлари, фаоллари, депутатларидан янада фаолроқ ишлашни талаб этади.

Фракцимиз раҳбари А.Рустамовнинг ўз маърузасида мамлакатимизда қонунчилик тизимини такомиллаштириш, пенсионерлар, ногиронлар, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилалар — партиямиз электорати манфаатларига хизмат қилувчи қонунларнинг ишлаб чиқилиши, янги нормалар билан мустаҳкамлаш ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди. Бу бошланаётган демократик ва сиёсий кураш жараёни — эркин сайловларда партиямиз ва ўз номзодимизнинг фаол иштирокини белгилайди. Кўрсатилаётган номзоднинг дастурий қоидаларидаги асосий жиҳатлар бизни сайловолди тарғибот жараёнларида фаол ва қизғин иштирок этишга ундаши керак. Бу — ҳар биримизнинг зиммамизга жуда катта масъулият юклайди.

Абдуолим БЎРИЕВ, Ўзбекистон ХДП Денов туман кенгаши раиси:

— «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонуннинг қабул қилиниши барча сиёсий партияларга юксак ишонч ва катта масъулият юклайди.

Олдимизда жуда катта сиёсий тадбир — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови турибди. Сайловда иштирок этиш партиямизнинг сиёсий куч сифатидаги асосий вазифасидир. Сайлов эса жамиятда демократик қадриятлар қанчалик даражада илдиз отганини кўрсатади. Бугун Президентликка кўрсатилаётган ўз номзодимизнинг дастурий қоидаларини муҳокама этганимиз ҳам демократиянинг ёрқин бир намунасидир. Сайлов кампанияси даврида бизнинг ҳар бир хатти-ҳаракатимиз, тарғибот-ташвиқот ишларимиз, тадбирларимиз ҳам бевосита рақобат остида ўтади. Шу жараёнда биз номзод атрофида жипслашиб, Ватанимиз манфаатлари, унинг обрў-эътибори, мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва хотиржамлик, аҳолининг кенг қамровли ижтимоий ҳимояси Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ҳар бир аъзоси учун ҳам муқаддас вазифалар эканлигини очиқ ифода эта олишимиз керак.

Мехрибон ТОЖИЕВА, Қибрай туманидаги Ўнқўрғон қишлоқ фуқаролар йиғини раиси:

— Партиямиздан кўрсатилаётган номзод ўз дастурий мақсадларини илгари сурар экан, айниқса, қишлоқ аҳолиси ижтимоий масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Албатта бу ғоялар партиямизнинг электорати манфаатларига жавоб беради. Бугун аҳоли орасида партиямизга ишонч, ҳурмат ошаяпти. Бунда бевосита аҳоли билан ишлайдиган қуйи бўғинлардаги партиямиз фаолларининг алоҳида ўрни бор. Масалан, Ўнқўрғон қишлоқ фуқаролар йиғинидаги ҳудудий партия ташкилоти атрофида 78 нафар аъзо бирлашган. Ҳудуддаги барча маҳалла оқсоқоллари, уларнинг диний-маърифий масалалар бўйича маслаҳатчилари, маҳалла посбонлари партиямиз аъзоларидир. Айни пайтда уларнинг куч ва имкониятларидан фойдаланиб сайловчиларга Ўзбекистон Республикаси Президентлигига партиямиз номзодининг дастурий йўналишларини етказишимиз, бўлажак сайловнинг аҳамияти, моҳияти, ҳар бир фуқаро тақдирига дахлдор масала эканини тушунтиришимиз лозим.

Мен фракциямиз раисининг чиқишидаги асосий жиҳатлар айнан маҳаллалардаги партиямиз электорати манфаатларига мос келади деб ҳисоблайман. Шу боис кўрсатилаётган номзодимизнинг бу йўналишларини қўллаб-қувватлайман. Ўйлайманки, партиямиз шу вақтга қадар мамлакатимизда ўтган барча сайловларда муваффақиятли иштирок этиб келган, бу сайловда ҳам сиёсий куч сифатида ўз ўрнини намоён этади, албатта.

23 ДЕКАБРЬ — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

Сайлов ҳақида саволингиз борми?

«Ўзбекистонда мамлакат Президенти президентлик ваколати давомида ҳеч бир сиёсий партияга аъзо бўлмайди. Лекин сиёсий партиялар Президентлик сайловига жуда катта эътибор беради, тайёргарлик кўради ва куч сарфлайди? Номзод партия аъзоси бўлган тақдирда ҳам Президент этиб сайланганидан сўнг партияга аъзолигини тўхтатиб туради ёки унинг сафидан чиқади. Қонунга нима сабабдан ушбу меъёр киритилган?

Сайфиддин Боқиев, талаба, Тошкент шаҳри».

Ушбу саволга Минтақавий сиёсат жамғармаси эксперти, сиёсатшунос Актам Жалилов жавоб беради.

Сиёсий партиялар — жамиятнинг муайян қисми сиёсий иродасини рўёбга чиқарувчи, ўз вакиллари орқали давлат ва жамият ишларини бошқаришда қатнашувчи жамоат бирлашмаси сифатида мамлакатнинг ва демократиянинг ривожланишида муҳим ўрин тутади. Кўппартиявийлик шароитида сиёсий партиялар аҳоли турли қатламларининг хоҳиш-иродасини ифодалаш орқали аҳолининг сиёсий, ҳуқуқий маданияти ва фуқароларнинг фаоллиги ошишига, ҳурфикрлилик, соғлом рақобат ва тараққиётга хизмат қилади. Ҳозирги шароитда сиёсий партиялар фуқароларнинг сиёсий, ижтимоий фаоллигини ошириш, аҳолининг сайлов жараёнида хоҳиш-иродаси, фикрини ифодалаш, марказда ва жойларда давлат ҳокимияти органларини шакллантиришнинг муҳим таъсир ўтказувчи воситасига айланиши алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда бўлиб ўтадиган Президент сайлови сиёсий партиялар учун ўзига хос синов бўлади, десак, муболаға бўлмайди. Чунки, сайловчилар у ёки бу партия илгари сурадиган номзодга берган овози орқали маълум маънода сиёсий партия фаолиятига ҳам баҳо беради, муносабат билдиради. Ушбу муносабатдан келиб чиқиб, партиялар ўз ютуқ ва камчиликларини рўйи-рост аниқлаш, мақсад ва дастурларини қайта кўриб чиқиш, йўл қўйилган хатоларни кейинги сайловларда такрорламаслик имконига эга бўлади.

Мамлакатимиз Конституциясига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз вазифасини бажариб турган даврида бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллаши, вакиллик органининг депутати бўлиши мумкин эмас. Бунинг сабаби, Президентлик лавозимининг аҳамияти билан боғлиқ. Биринчи навбатда шуни таъкидлаш керакки, Президент халқ манфаатларини ҳимоя қиладиган, уни мамлакат ичида ва халқаро миқёсда ифода этувчи миллат тимсолидир. Шу боис, сайловда Президентликка номзод гарчи бир партия ёки ҳаракат томонидан тавсия этилса-да, халқ ишончини қозониб, ваколати бошланиши билан у партия аъзолигини тўхтатиб туради.

Демократик ҳуқуқий давлат қураётган ҳар қандай мамлакатда сиёсий партиялар ўз сафларидан Президент сайланишидан манфаатдор. Президентлик сайловида муваффақиятга эришган партия катта обрў-эътиборга эришади, ғоялари сайловчиларнинг кўпчилигига маъқул экани намоён бўлади.

Сиёсий партиялар муайян қатлам манфаатини қонунчилик ҳокимиятида ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қиладиган ижтимоий бирлашмалар экани уларнинг муҳим сиёсий аҳамиятини кўрсатиб туради. Бошқача айтганда, умум ўз эҳтиёжлари, қарашлари ва ғояларини ўз партиялари сафидан чиққан вакиллари орқали ифода этади ва давлат бошқарувида иштирок этади.

Сиёсий партиялар халқнинг турли қатламлари манфаатларини ифода этувчи ижтимоий бирлашма экан, барча фуқароларнинг манфаатини ифода этувчи, ҳимоя қилувчи энг олий сиёсий институт бўлмиш Президентлик сайловида ҳам иштирок этиши табиий. Демак, мамлакат Президенти умуммиллий миқёсдаги лавозим экани туфайли, унинг сайланиши ҳам умумхалқ томонидан амалга оширилади. Гарчи турли партиялардан илгари сурилган номзодлардан бири Президент этиб сайланса-да, у жамиятнинг барча аъзолари манфаатлари нуқтаи назаридан ўзи аъзо бўлган партия сафида қолиши мумкин эмас. У бутун жамиятда сиёсий мувозанат ва ижтимоий адолатни таъминлаши зарурлиги туфайли, партия ёки ҳаракатдан чиқиб, барча ижтимоий қатламлар манфаатини ҳимоя қилади.

«Президентликка кўрсатилган номзодларни қўллаб-қувватловчи имзолар етарлича йиғилмаса, қандай йўл тутилади?

Аҳмаджон Мавлонов, Наманган шаҳри».

Ушбу саволга Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Анвар Бойқулов жавоб беради.

Ҳақиқатдан ҳам бу масала кўпчиликни қизиқтиради. Президентликка номзод кўрсатган сиёсий партия ёки сайловчилар ташаббускор гуруҳи томонидан тақдим этилган имзо варақалари Ўзбекистон Республикаси жами сайловчиларининг камида беш фоизини қамраб олган бўлиши лозим. Агар тўпланган имзолар сони ундан кам бўлса, Президентликка номзод рўйхатга олинмайди. Республикамизда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган сайловчилар томонидан қўллаб-қувватланмаган, уларнинг ишончига кирмаган номзодни сайловда овозга қўйишнинг ўзи мантиқан нотўғри. Шу боис, қонунчиликда ушбу норма белгиланган.

Бу сиёсий партиянинг сайловга тайёргарлиги, халқ орасидаги обрў-эътибори қанчалик даражада эканини намоён қилади. Етарли имзо тўплай олмаган партия кейинги сайловга қадар ўз ғоявий йўналишларини такомиллаштириши ва халқ орасида обрўйини кучайтириши зарур бўлади, деб ўйлайман.

Ҳурматли газетхон! Сизда ҳам сайлов кампанияси, сайлов жараёнларига оид саволлар туғилса, таҳририятимизга мурожаат этишингиз мумкин.

Тел.: 133-10-13, 136-55-05.
Факс: 133-65-45, 133-44-55
Электрон почта: info@uzbekistonovozi.uz

ЎзХДП: сиёсий майдонда 16 йил

Тажриба ва келгуси режалар

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Бухоро вилоят кенгашида ЎзХДП ташкил топганининг 16 йиллиги муносабати билан тадбир бўлиб ўтди. Унда партиямизнинг сиёсий майдондаги фаолияти, сайловларда эришган ютуқлари, бизга хайрихоҳ қатлам манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор қонунларни қабул қилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг иштироки масалаларида давра суҳбати бўлиб ўтди. Партиянинг ўтган давр мобайнида тўплаган тажрибаси ва фаоллар олдида турган галдаги асосий вазифалар хусусида фикр алмашилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловидаги партиянинг иштироки, партия марказий нашрларига обунани ташкил этиш каби долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбирда фаол партия аъзолари ва етакчиларига ЎзХДП Бухоро вилоят ҳамда шаҳар кенгашларининг фахрий ёрлиқлари топширилди.

Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг VI қурултойи фаолиятидан лавҳалар.

Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар.

Зиёлилар орасида

сафдошлар сафи кенгаймоқда

Партия ишининг асосий йўналишларидан бири тарғиботдан иборат. Сиёсий куч фаоллари ўз ғоялари, амалга ошираётган ишлари, ташаббусларини қанча яхши тарғиб қилса, қўллаб-қувватловчилари, сафи шунча кенгаяди. Ўзбекистон ХДП Булунғур туман кенгаши раиси Турсунбой Йўлдошев билан суҳбатлашиб қолганимизда у киши партия фаоли, тумандаги 13-мактабнинг психология фани ўқитувчиси Камол Дўстовнинг тарғиботчилик борасида олиб бораётган ишлари ҳақида сўзлаб берганди. Биз эса унинг фаолияти билан яқинроқ танишишга ҳаракат қилдик.

— Мактабга ишга келганимда бу ерда бир нафар ҳам Ўзбекистон ХДП аъзоси йўқ экан, — дейди у. — Аммо 1400 ўқувчига 110 нафар педагог сабоқ беради. Жамоа каттагина. Унинг устига ўқитувчилар партиямизга хайрихоҳ бўлса. Бу ҳолат менга ғайриоддийдек туюлди. Ҳамкасблар билан суҳбат-мулоқотларда мавзу сиёсат, сиёсий жараёнлар ҳақида кетганида партиямиз, унинг тутган йўли, позицияси, кўтараётган масалалари, ғояси ҳақида сўзлаб бера бошладим. Улар сафимизга қўшилишлари учун эмас, балки ўқитувчилар, уларнинг ижтимоий муҳофазаси, таълим, ёш авлоднинг кучли билим олишини таъминлаш масаласи билан ЎзХДП астойдил шуғулланаётганини маълум қилиш учун гапирардим. Ҳамкасбларим қизиқа бошлашди. Ўзлари ҳам «Ўзбекистон овози» газетаси, телевизор, радио орқали партиямиз, унинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси фаолиятини эътибор билан кузата бошлашди. Ўзингиз биласиз, ўқитувчилар ўз мустақил фикрига эга, зиёли халқ. Дастлаб 15, ўтган бир йил мобайнида яна 7 нафар жамоадошим партиямиз сафига қўшилди. Яна 5-6 киши ХДП аъзоси бўлиш арафасида турибди. Тарафдорларимиз ҳам жуда кўп. Туман партия кенгаши бизни тегишли қўлланма, адабиётлар билан таъминлаб турибди.

— Айниқса, сайловлар арафасида сиёсий партия фаолининг вазифалари жуда масъулиятли, — гап ташладик ўртага.

— Тўғри айтасиз, — сўзида давом этди у. — ХДП фаоли сифатида билишгани учунми, кўпчилик сайловга оид саволлар билан мурожаат этаяпти. Сайловнинг аҳамияти, мамлакатимиздаги демократик жараёнлар, унда партиямизнинг иштироки ҳақида батафсил сўзлаб беришга тўғри келаяпти. Энди бир ўзим эмасман. Сафдош ҳамкасбларим билан бу ишларни биргаликда олиб бораяпмиз...

Ёш, ғайратли, ташаббускор бу ўқитувчи билан суҳбатимиз анча давом этди. У ўзининг фикрини дона-дона қилиб шундай тушунтирадики, қўшилмай иложингиз йўқ. Партиямиз сафида ана шундай фаоллар бор экан, унинг ғоялари хайрихоҳлар томонидан қўллаб-қувватланаверади, аҳоли орасидаги обрў-эътибори, ҳурмати янада ошаверади.

Мамашариф НЕЪМАТОВ

ЎзХДП ҳаёти

Бошланғич ташкилотлар муайян ҳудуд, муассасани қамраб олади ва ўша жойдаги катта-кичик муаммолардан яхши хабардор бўлади. Сиёсий партиянинг халққа, одамларга энг яқин бўғини бошланғич ташкилотдир. Шундай экан, биринчи навбатда ана шу бўғин фаолиятида туб ўзгариш ясамай туриб, партия мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида юқори нуфузга эриша олмайди.

Қандай қилиб бошланғич партия ташкилотининг ташаббускорлик ва ташкилотчилик фаолиятини ошириш мумкин? Кўппартиявийлик шароитида, демократик жамият барпо этиш жараёнида бошланғич партия ташкилоти етакчиси қандай бўлиши керак? Унинг фаолияти қандай мезон билан ўлчанади? Ушбу саволлар билан Зарбдор туманидаги партиядошларимизга мурожаат этдик.

Етакчилик масъулияти

нимада намоён бўлади?

Маъмур ТОЖИБОЕВ, Зарбдор кўрғонидаги автошоҳбекат бошланғич партия ташкилоти раиси:

— Ўзининг мустақил фикрига эга бўлган, мудом билимини, малакасини ошириб борадиган одамда масъулият бўлади. Агар етакчи ана шундай хислатга эга бўлса, ўзи меҳнат қилаётган жамоа, яшаётган ҳудуддаги фуқароларнинг қувончу ташвишларига шерик бўлиб яшайди. Одамларнинг, аввало партиямиз аъзоларининг, хайрихоҳларимизнинг мушкулини осон, оғирини енгил қилай, деган хайрли мақсад йўлида ҳузур-ҳаловатидан кечади, елиб-югуради, изланади. Маслакдошларни бирлаштириш, руҳини кўтариш, юксак марралар сари бошлаш, кимларнингдир бошини силаб, кимларгадир қаттиққўллик қилиб, муаммолар ечимини топиш пайида бўлади. Керак бўлса, кимдан нимани талаб қилишниям яхши билади, зарур жойда қатъиятли бўлишнинг уддасидан чиқади. Айниқса, Президент сайловига тайёргарлик кетаётган ҳозирги кунларда бошланғич ташкилотга катта масъулият юкланади. Етакчи бу сайлов аҳамиятини аҳолига тушунтириш, партиямиздан кўрсатилган номзод дастури тарғиботи билан фаол шуғулланмоғи лозим. Масъулиятсиз етакчи бунинг аксини қилади. «Биз фалон тадбир билан бўлиб қолдик-да», ёхуд «Идорадаги асосий ишлардан қўлимиз бўшамадида» қабилидаги важларни рўкач қилиб, ишчи-ходимлар, партиямиз аъзолари, бизга хайрихоҳ кишилар ташвишларидан ўзини четга олиб қочиш пайида бўлади.

Эрмамат ЭЛМУРОДОВ, «Нуроний» жамғармаси туман бўлими раиси, ЎзХДП фаоли:

— Менимча, партиянинг асоси, пойдевори ҳисобланган бошланғич ташкилотдан бугун ҳар қачонгига нисбатан ташаббускор бўлиш талаб қилинаяпти. Улар одамлар билан ишлашдан, жойлардаги муаммолар сабабларини ўрганишдан, уларнинг мақбул ечимини излашдан тўхтамаслиги лозим. Бошланғич партия ташкилотининг бундай фаол, ташаббускор ва қатъиятли бўлиши кўп жиҳатдан етакчига боғлиқ, албатта. Қаерда партия етакчиси фаол, билимдон, ташкилотчи ва қатъиятли бўлса, ўша жойда қилинган ишнинг самараси кўзга ташланади. Қолаверса, бошланғич партия ташкилотининг нуфузи, обрўси, мавқеи юқори бўлади. Шу ўринда, айтиш керакки, зерикарли, узундан узоқ йиғилиш қилиш, мажлисбозлик билан банд бўлишнинг даври ўтди, амалий иш қилишнинг вақти етди.

Муаттар ЖАББОРОВА, Бўстон кўрғонидаги иқтидорли болалар мактаб-интернати ўқитувчиси, ЎзХДП фаоли:

— Очиғи, ҳамон кўпчиликнинг тақдири, партиядошларимиз турмуш ташвишлари билан қизиқмайдиган, қўл учида ишлайдиган етакчилар орамизда оз эмас. Улар ўзларининг совуққонлиги билан одамларнинг партиямизга бўлган ишончига путур етказишаяпти. Бундайлар ўз манфаатини ҳамма нарсадан устун қўяди, дунёда бўлаётган ўзгаришлардан бехабар, амалга ёпишиб олган. Ҳатто кундалик матбуот нашрларини кузатиб боришга эринади.

Бошланғич партия ташкилоти етакчиларидан бирини биламан. Атрофда бўлаётган янгиликлар, воқеа-ҳодисалардан ғофил ҳолда юради. Тўғриси, унинг етакчи сифатида партия манфаати юзасидан каттакичик раҳбарлар олдига масалани қатъият билан қўя олишига, лозим бўлса, мутасаддилар билан шу иш бўйича талашиб-тортишишига ишонмайман. Ўзингиз айтинг: бундай етакчилар бизга хайрихоҳ бўлган кишилар манфаатини ҳимоялашга қаратилган Дастурий мақсадларимизни рўёбга чиқаришга қай даражада ҳисса қўша олиши мумкин? Аслида, партия ташкилоти етакчиси биринчи ўринда билимдон, сиёсатчи, ўқимишли, фикри кенг, ҳар доим, ҳар жойда ўз сўзини айта оладиган инсон бўлиши жоиз эмасми?

Мухтор МАНСУРОВ, «Нурафшон» сувдан фойдаланувчилар уюшмаси бошланғич партия ташкилоти раиси:

— Сиёсий партия қачон ўз олдига қўйган мақсадга эришади? Фикримча, қачонки, у бевосита одамлар орасига чуқур кириб борса, уларнинг оғирини енгил қилса, бировга нафи тегса ва ўз фаолиятини шу асосда ташкил қилса.

Бу жараёнда бошланғич партия ташкилотининг ўрнини ҳеч нарса босолмайди. Агар шунга муваффақ бўлинса аҳолининг сиёсий партияга бўлган қизиқиши ортиши, ишончи мустаҳкамланиши муқаррар. Бунда бошланғич партия ташкилоти муҳим ўрин тутади. Чунки, бошланғич ташкилотлар қандай ижтимоий муаммони кўтариб чиқса, партия шу асосда ишлайди, ўз фракцияси, депутатлик гуруҳлари орқали шу муаммоларнинг ечимини топишга ҳаракат қилади...

Бугунги ҳаёт, айни чоғда амалга оширилаётган ислоҳотлар, демократик ўзгаришлар жараёни, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови муносабати билан бўладиган ташкилий-сиёсий ишлар бошланғич партия ташкилотлари ва уларнинг етакчилари зиммасига масъулиятли вазифаларни юкламоқда. Улардан биринчи навбатда, ташаббускорлик, фаоллик ва изланувчанлик талаб этилмоқда. Ҳақиқий етакчи мана шу юрт меники, мана шу қишлоқ, маҳалла ўзимники, уни обод ва фаровон қилиш менинг нафақат вазифам, балки муқаддас бурчим, деган ўй-фикр билан яшайди ва ишлайди, бошқаларни ҳам шунга даъват этади, мамлакат сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеа — Президент сайловига ҳам худди шу нуқтаи назар билан ёндашади. Одамлар эса ана шундай етакчига ишонади, эргашади.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Madaniyat va sport 133-69-45, 133-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36, 133-44-55 (Tel. Faks)
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 133-12-56
Kotibiyat 133-72-83, 136-55-17
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Matnazar ELMURODOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1049
7824 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 21.05
Topshirilgan vaqti — 02.45
1 2 3 4 5 6

Sotuvda erkin narxda